

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

10 сентябрь 2018 й.г. № 712

Toshkent sh.

**Давлат автовокзаллари ва автостанцияларини
бошқариш самарадорлигини таъминлашга доир
ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 мартдаги ПК-3589-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг:

а) Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тайёрланган:

“Тошкент вилояти автовокзаллари ва йўловчилар автостанциялари бош ишлаб чиқариш корхонаси” ДУКни “Ўзавтовокзал сервис” ДУК этиб қайта номлаган ҳолда, унга қарорнинг 1-иловасига мувофиқ рўйхат бўйича автовокзал ва автостанцияларни тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида бириктириш тўғрисидаги;

Қибрай тумани ҳокимлигининг “Қибрай” автостанциясини тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида “Ўзавтовокзал сервис” ДУКга бириктириш тўғрисидаги;

б) Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган - давлат мулки бўлган 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича автостанцияларни тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида “Ўзавтовокзал сервис” ДУКга ўтказиш тўғрисидаги;

в) Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган - давлат мулки бўлган ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги маблағлари ҳисобидан қурилаётган 3-иловага мувофиқ рўйхат бўйича автостанцияларни тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида “Ўзавтовокзал сервис” ДУКга ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган автовокзал ва автостанцияларнинг бинолари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа мол-мулклари белгиланган тартибда “Ўзавтовокзал сервис” ДУК тасарруфига ўтказилади;

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги “Ўзавтовокзал сервис” ДУКнинг муассиси ҳисобланади;

“Ўзавтовокзал сервис” ДУК Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда филиаллар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиғи Д.Т.Дехканов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 10 сентябрдаги
712-сон қарорига
1-илова

**«Ўзавтовокзал сервис» ДУКга тезкор бошқарув ҳуқуқи
асосида бириктирилаётган автовокзал ва автостанциялар
РЎЙХАТИ**

№	Автовокзал ва автостанциялар номи	Жойлашган манзили	Умумий майдони (қв.м)
1	«Тошкент» автовокзали	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси	39056
2	«Олмалиқ» автостанцияси	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Пиримкулов кўчаси	10566
3	«Бекобод» автостанцияси	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси	11000
4	«Чирчиқ» автостанцияси	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси	10000
5	«Пискент» автостанцияси	Тошкент вилояти, Пискент тумани, Бобур кўчаси	1410
6	«Охангарон» автостанцияси	Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Холмухамедов кўчаси	1000
7	«Дўстобод» автостанцияси	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри	2600
8	«Бўка» автостанцияси	Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Навоий кўчаси	5080
9	«Ғазалкент» автостанцияси	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент шаҳри, Ибн Сино кўчаси	5000
10	«Янгибозор» автостанцияси	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор посёлкаси	3000
11	«Паркент» автостанцияси	Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Навоий кўчаси	2370
12	«Қибрай» автостанцияси*	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ШФЙ	6000

*) Қибрай тумани ҳокимлиги тасарруфидан «Ўзавтовокзал сервис» ДУКга тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 10 сентябрдаги
712-сон қарорига
2-илова

**«Ўзавтовокзал сервис» ДУКга тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказилаётган автостанциялар
РЎЙХАТИ**

№	Автовокзал ва автостанциялар номи	Жойлашган манзили	Умумий майдони (қв.м)	Балансда сақловчи
1	«Бухоро бош бекати» автостанцияси	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ (Соҳибкор мавзеси)	10000	Бухоро шаҳар ҳокимлиги
2	«Ғузор» автостанцияси	Қашкадарё вилояти, Ғузор тумани, «Буюк Карвон Йули» ҚФЙ, Чорвадор кўчаси	8352	Ғузор тумани ҳокимлиги
3	«Қамаши» автостанцияси	Қашкадарё вилояти, Қамаши шаҳри, «Навой» ҚФЙ, Ифтихор шоҳ кўчаси	7352	«Қамаши автошоҳбекати» ДУК

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 10 сентябрдаги
712-сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ҳисобидан қурилаётган ва «Ўзавтовокзал сервис»
ДУКга тезкор бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказилаётган автостанциялар
РЎЙХАТИ**

№	Автовокзал ва автостанциялар номи	Жойлашган манзили	Умумий майдони (кв.м)	Балансда сақловчи
1	«Зомин» автостанцияси	Жиззах вилояти, Зомин тумани, Ҳалқабод ҚФЙ, Мустақиллик кўчаси	10000	Зомин тумани ҳокимлиги
2	«Сайхунобод» автостанцияси	Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани	2000	Сайхунобод тумани ҳокимлиги

